

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

198 Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек бошқа юридик шахслар томонидан молиялаштирилладиган техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек ички донорларнинг маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилладиган техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини самарали амалга ошириш, уларнинг амалга оширилиши учун фаолиятни мувофиқлаштиришни такомиллаштириш ва қатъий назоратни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек бошқа юридик шахслар томонидан молиялаштирилладиган техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги ушбу Низомни халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, чет эл ҳукумат ташкилотлари, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларига етказсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 23 июнь,
123-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 23 июндаги 123-сон қарорига
ИЛОВА

**Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг
ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий,
халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек бошқа
юрidik шахслар томонидан молиялаштириладиган техник
кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида», «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Низом, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қонун ҳужжатларига мувофиқ гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек ички донорларнинг маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, амалга ошириш, амалга ошириш мониторингини олиб бориш, узайтириш, ўзгартириш, тўхтаиб қўйиш, тўхтатиш, шунингдек бекор қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари) ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари (ички донорлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари) гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларининг ташаббус кўрсатувчилари бўлиши мумкин.

**II. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик
моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш
соҳасида техник кўмаклашиш дастурлари/лоyiҳаларини
кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш тартиби**

3. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида техник кўмаклашиш лойиҳаси/дастури

(кейинги ўринларда — лойиҳа/дастур деб аталади) хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари томонидан молиялаштирилган тақдирда, ташаббус кўрсатувчи лойиҳа/дастурни амалга ошириш тўғрисидаги таклифни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборади.

Лойиҳа/дастур ички донорларнинг маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилган тақдирда, ташаббус кўрсатувчи лойиҳа/дастурни амалга ошириш тўғрисидаги таклифни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказига (кейинги ўринларда — Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази деб аталади) юборади.

4. Лойиҳа/дастурни амалга ошириш бўйича таклифнинг ташаббус кўрсатувчиси, шунингдек уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаган ва молиялаштириш манбаларини ҳамда кутилаётган натижаларни, шунингдек бошқа шартларни кўрсатган ҳолда тушунтириш хати тақдим этади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир ҳафта муддатда хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари томонидан молиялаштирилаётган лойиҳа/дастурни амалга ошириш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқади ҳамда Наркотик моддаларни назорат қилиш марказига лойиҳа/дастурни бундан кейин жадаллаштириш имкониятлари ҳақида таклиф киритади.

6. Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази бир ҳафта муддатда: лойиҳа/дастурни амалга ошириш тўғрисида тушган таклифни экспертизадан ўтказиши ҳамда эксперт ишланмасини янада давом эттириш зарурлигини ва уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлайди;

кўриб чиқиладиган лойиҳа/дастурнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа/дастурни ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ лойиҳа/дастурда назарда тутилган масалалар ваколатига қирадиган тегишли вазирликлар ва идораларга экспертизадан ўтказиш учун киритади.

7. Ўзбекистон Республикасининг экспертиза органлари ўн кун муддатда ўз ваколатлари доирасида лойиҳа/дастур ҳар томонлама пухта ишлаб чиқирилишини таъминлайдилар ва белгиланган тартибда эксперт хулосаларини Наркотик моддаларни назорат қилиш марказига юборади.

Зарур ҳолларда Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази лойиҳа/дастур амалга оширилишининг бўлиши мумкин бўлган салбий маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари йўқлиги тўғрисида хулоса олиш учун ваколатли ташкилотларнинг вакилларини, алоҳида мутахассислар ва мустақил экспертларни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этиши мумкин.

8. Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази бир ҳафта муддатда: экспертиза органларининг хулосаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

экспертиза органлари томонидан ижобий хулосалар киритилган тақдирда лойиҳа/дастурни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясига киритади;

экспертиза органлари томонидан лойиҳа/дастурни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида асосланган салбий хулосалар киритилган ёки лойиҳа/дастурни пухта ишлаш юзасидан мулоҳазалар билдирилган тақдирда йиғма хулоса тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиш ва янада пухта ишлаш учун уни ташаббус кўрсатувчига қайтариш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборади;

лойиҳа/дастур ички донорларнинг маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилган тақдирда Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази йиғма хулосани бевосита ташаббус кўрсатувчига юборади.

9. Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази зарурият бўлганда тегишли экспертиза органларини ва ташкил этилган ишчи гуруҳни таклиф этган ҳолда лойиҳа/дастурни коллегиял муҳокама қилишни ташкил этиши мумкин.

10. Лойиҳа/дастурни амалга ошириш тўғрисидаги таклифни такрорий киритиш ушбу Низомнинг 3 ва 4-бандлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

III. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида техник кўмаклашиш дастурлари/лойиҳаларини амалга ошириш тартиби

11. Лойиҳа/дастур белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси томонидан маъқуллангандан кейин лойиҳа/дастурнинг ташаббус кўрсатувчиси билан тегишли ҳужжатлар (меморандум ёки контракт) расмийлаштирилади.

12. Лойиҳа/дастурни амалга ошириш бўйича масъул вазирлик, идора ёки бошқа ташкилот (кейинги ўринларда — бажарувчи деб аталади), шунингдек лойиҳа/дастурни амалга ошириш гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

13. Лойиҳа/дастурни амалга ошириш бўйича бажарувчи тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин ўн кун муддатда:

аниқ муддатлар ва биргаликда бажарувчиларни кўрсатган ҳолда лойиҳа/дастурни амалга оширишни таъминлаш тадбирлари режасини ишлаб чиқади ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишади;

маблағларни ўзлаштириш жадвалини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишади.

Лойиҳа/дастурни амалга ошириш бўйича тадбирларнинг келишилган

режаси ва маблағларни ўзлаштириш жадвали Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланади.

IV. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида техник кўмаклашиш дастурлари/ лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини олиб бориш

14. Аниқ лойиҳа/дастур бажарилиши мониторингини олиб бориш бевосита бажарувчи томонидан таъминланади, лойиҳа/дастур амалга оширилишининг умумий мониторинги, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш эса Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази томонидан амалга оширилади.

15. Лойиҳа/дастурнинг бажарувчиси:

доимий асосда лойиҳа/дастур амалга оширилишининг батафсил мониторингини олиб боради;

ҳар ойда Наркотик моддаларни назорат қилиш марказига тасдиқланган тадбирлар режасига мувофиқ лойиҳа/дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги тезкор ахборотни ва йилнинг ҳар чорагида — тўлиқ таҳлилий ҳисоботни киритади;

ҳар ойда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ахборот киритади;

тасдиқланган иш режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси мажлисида ҳисобот беради.

16. Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази:

йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига лойиҳалар/дастурлар амалга оширилиши ва амалга ошириш натижалари тўғрисидаги ахборотни киритади;

тегишли лойиҳалар/дастурларни бажарувчиларнинг ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари мажлисларида кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритади.

17. Техник кўмаклашиш маблағларидан, шу жумладан номоддий шаклдаги воситалардан мақсадли фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган шакллар бўйича ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

18. Айрим ҳолларда, ташаббус кўрсатувчи ва бажарувчи томонидан мажбуриятлар бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясига белгиланган тартибда:

хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари томонидан молиялаштирилладиган лойиҳалар/дастурлар бўйича — Наркотик моддаларни

назорат қилиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда;

ички донорлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳалар/дастурлар бўйича — Наркотик моддаларни назорат қилиш маркази томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилиши тўғрисида таклифлар киритади.

19. Лойиҳа/дастурни амалга ошириш якунлангандан кейин бажарувчи бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

вазирлик, идора ёки бошқа ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланган лойиҳа/дастур амалга оширилиши якунлари тўғрисида якуний ҳисобот;

лойиҳа/дастурни амалга ошириш доирасида эришилган натижалардан фойдаланиш тўғрисида таклиф;

балансга бериш ҳамда олинган моддий-техника воситаларидан ва бошқалардан фойдаланиш тўғрисида таклиф киритади.

Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва амалга ошириш ва амалга оширилиши мониторингини олиб бориш схемаси ушбу Низомга 2-иловада келтирилган.

**V. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик
моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш
соҳасида техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини
узайтириш, ўзгартириш, тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш,
шунингдек бекор қилиш тартиби**

20. Лойиҳа/дастурни узайтириш ва/ёки ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ушбу Низомнинг II бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

21. Тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги таклиф бажарувчи ёки манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан:

хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари томонидан лойиҳалаштирилаётган лойиҳалар/дастурлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда;

ички донорларнинг маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳалар/дастурлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек бошқа юридик шахслар томонидан молиялаштирилган техник қўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Лойиҳалар/дастурларда назарда тутилган масалалар
ваколатига кирадиган вазирликлар ва идоралар
РЎЙХАТИ**

Кўриб чиқиладиган лойиҳа/дастур хусусияти	Экспертиза органлари
Гиёҳвандликнинг олдини олиш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
	Халқ таълими вазирлиги
	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
	Ички ишлар вазирлиги
	Ташқи ишлар вазирлиги
	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
	Молия вазирлиги
	Иқтисодиёт вазирлиги
	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Миллий ғоя ва маънавият кенгаши ҳузуридаги Республика илмий-амалий маркази
	Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази
	Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш
Миллий хавфсизлик хизмати	
Давлат божхона қўмитаси	
Бош прокуратура	
Адлия вазирлиги	
Ташқи ишлар вазирлиги	
Молия вазирлиги	
Иқтисодиёт вазирлиги	
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	
Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази	

Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек бошқа юридик шахслар томонидан молиялаштирилган техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, амалга ошириш ва амалга оширилиши мониторингини олиб бориш
СХЕМАСИ**

